

**ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ**

Кўлёзма ҳуқуқида
УДК 336.71+63(575,1)

Шодмонов Эркин Шерқулович

**ЎЗБЕКИСТОНДА АГРАР ИСЛОҲОТЛАРНИ
ЧУҚУРЛАШТИРИШДА БАНКЛАР ФАОЛЛИГИНИ
ОШИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

08.00.07-“Молия, пул муомаласи ва кредит” ихтисослиги

**Иқтисод фанлари номзоди
илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация**

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Тошкент-2005

Иш Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Илмий раҳбар: иқтисод фанлари доктори, профессор
Қодиров Ашур Қодирович

Расмий оппонентлар: иқтисод фанлари доктори
Номозов Орифжон Шафоатович

иқтисод фанлари номзоди
Душаев Бахтиёр Мўминович

Етакчи ташкилот: **Ўзбекистон Банклари ассоциацияси**

Ҳимоя Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академия қошидаги иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича К.005.25.01. Бирлашган ихтисослашган кенгашнинг _____ йил «___» _____да соат _____да ўтадиган мажлисида бўлади.

Манзил: 700000, Тошкент шаҳри, Хамидулла Орипов кўчаси, 16

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2005 йил «___» _____да тарқатилди.

**Бирлашган ихтисослашган
кенгаш илмий котиби, иқтисод
фанлари номзоди, доцент**

А.У.Усанов

I. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Аграр мамлакатлар, аграр-индустириал мамлакатларининг асосий қисмида қишлоқ хўжалиги миллий иқтисодиётнинг устувор тармоғи, тараққиёт пойдевори ҳисобланади. Бунинг боиси, биринчидан, қишлоқ хўжалиги мамлакат иқтисодиётининг бошқа тармоқларини хом-ашё билан аҳолини эса, озиқ-овқат билан таъминловчи ягона тармоқ ҳисобланади; иккинчидан, қишлоқ хўжалиги мамлакатда мавжуд бўлган ва бошқа тармоқлар камраб олиши қийин бўлаётган, ишлатилмаётган ишчи кучи ресурслари, табиий, ишлаб чиқариш ресурсларини харакатлантирувчи имкониятига эга бўлган соҳадир.

Шунинг учун ҳам мустақиллик йилларининг бошиданок аграр соҳани ислоҳ қилиш, унда янги иқтисодий муносабатларни янги хўжалик типларини шакллантиришга Президентимиз И.А.Каримов томонидан алоҳида эътибор бериб келинмоқда.

Аграр соҳани ислоҳ қилишда қишлоқ хўжалик корхоналари билан тижорат банклари ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Бунинг сабаби шундаки, қишлоқ хўжалиги корхоналари билан тижорат банклари ўртасидаги кредит муносабатларини ривожлантириш қишлоқ хўжалик корхоналари молиявий барқарорлигини таъминлашнинг зарурий шarti ҳисобланади. Мазкур шарт тижорат банкларининг кредитларидан қишлоқ хўжалиги корхоналарининг жорий ва инвестицион харажатларини молиялаштиришнинг барқарор манбаи эканлигида намоён бўлади.

Қишлоқ хўжалик корхоналари билан тижорат банклари ўртасида ҳисоб-китоб муносабатлари мавжудки, уни ривожлантириш аграр ислохотларни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади. Улар ўртасидаги ҳисоб-китоб муносабатларининг ривожланимаганлиги уларнинг молиявий ҳолатига салбий таъсир кўрсатади, қишлоқ хўжалик корхоналарида дебитор-кредитор қарздорлик ҳажмини сезиларли қисқартириш имконини бермайди.

Айни вақда, республикада аграр ислохотларни чуқурлаштириш жараёни амалга оширилаётган бўлиб, бунда тижорат банкларининг фаол иштирок этишига эришилмади. Бу ҳолат тижорат банкларининг кредит портфелида қишлоқ хўжалиги корхоналарига берилган кредитларнинг салмоғини нисбатан кичиклигида намоён бўлмоқда.

Ушбу масаланинг долзарблиги Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2005 йилнинг январида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик Палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида сўзлаган нутқида ифодасини топган. Президентимиз фермер хўжаликларини зарур моддий-техника ресурслари билан таъминлаш ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича бозор инфратузилмасини шакллантиришнинг тезлаштириш зарурлигини 2005 йилдаги ва бундан кейинги ривожланишнинг асосий вазифаларидан бири сифатида эътироф этди. Бундан ташқари, банклар олдида фермерларнинг бўлғуси ҳосилини гаровга олиш йўли билан кредитлаш талаби қўйилди.

Президентимизнинг маърузасида тижорат банкларини миқозларга хизмат кўрсатиш даражасининг халқаро андозаларга мос келмаслиги, хўжалик

субъектлари ва ахолининг банкларга бўлган ишончини оширишнинг зарурлиги таъкидлаб ўтилди¹.

Демак, мамлакатимизда аграр ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг зарурлиги, бу жараёнда банкларнинг фаоллигини ошириш борасида сезиларли муаммоларнинг мавжудлиги ва уларни ҳал қилишнинг айрим илмий жиҳатларини кўриб чиқиш зарурлиги мазкур диссертацион тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Умуман банкларнинг иқтисодиётда тутган ўрни ва роли, тижорат банклари фаолиятини бошқариш муаммоларини тадқиқ қилишга хорижлик олимлар Самуэльсон, Макконелл К.Р., Стенли Л.Брю, Валровен К.Д., Киселев В.В., Лаврушин О.И., Мамонова И.Д., МакНотон Д., Корнаи Я., Панова Г.С., Серова Е., Усоскин В.М. каби етакчи олимларининг баъзи илмий ишлари ёки ўқув материаллари бағишланган. Мазкур тадқиқотларда бозор иқтисодиёти шароитида банклар фаолияти йўналишлари, улардаги мавжуд муаммолар, шу жумладан, банкларнинг қишлоқ хўжалик корхоналарини кредитлаш билан боғлиқ баъзи муаммоларнинг назарий асослари ёритилган. Масалан, Д.МакНотоннинг 1993 йилда Вашингтонда чоп этилган “Банковские учреждения в развивающихся рынках” номли монографиясида қишлоқ хўжалиги корхоналарини кредитлаш масаласига тадқиқотнинг асосий йўналишларидан бири сифатида тўхталган ва аграр сохани кредитлашда қўлланилаётган кредитлаш шакллари ва гаров таъминотини илмий жиҳатдан тадқиқ қилишга асосий эътиборини қаратган.

Профессор Лаврушин таҳрири остида чоп этилган “Банковское дело” китобида қишлоқ хўжалиги корхоналарини кредит шакллари, усуллари ва уларга берилган кредитларнинг тижорат банки кредит портфелини диверсификация қилишдаги аҳамияти таҳлил этилган.

Я.Корнаининг “Дефицит” номли монографиясида корхоналарни банклар томонидан кредитлаш ва давлат бюджетини маблағлари ҳисобидан субсидиялар бериш масалаларини илмий асосда тадқиқ қилишга эътибор қаратилган.

Аммо шуни аниқ эътироф эта оламизки, юқоридаги илмий изланишларда банкларнинг аграр ислохотлар жараёнидаги фаоллигини ошириш масаласи алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Бундан ташқари ушбу илмий изланишларда қишлоқ хўжалиги корхоналари билан банклар ўртасидаги ҳисоб-китоб муносабатлари ўз ифодасини топмаган.

Ўзбекистонда банкларнинг иқтисодий моҳияти, унинг турлари ва роли тўғрисидаги кўпгина мулоҳазаларни мамлакатимизнинг иқтисодчи олимлари Абдуллаев Ё.А., Абдуллаева Ш., Абдуганиев Б.А., Додиев Ф.У., Маликов Т.С., Шарифхўжаев М.Ш., Қодиров А.Қ., Қоралиев Т.М., Ўлмасов А.Ў., Ғозибеков Д.Ғ. ва бошқаларнинг илмий изланишларида учратиш мумкин.

Ўзбек олимларидан Б.А.Абдуганиевнинг «Молиявий манбалар ва банк кредитларининг самарадорлиги муаммолари» мавзусида бажарган номзодлик диссертациясида қишлоқ хўжалик корхоналарини молиявий манбалар билан таъминлаш ва банк кредитларидан қишлоқ хўжалигида фойдалиниш

¹ И.А.Каримов “Бизнинг бош мақсадимиз-жамятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир”. Халқ сўзи, 2005 й. 29 январ.

самарадорлиги масалалари тадқиқ қилинган. Аммо, банкларнинг қишлоқ хўжалиги корхоналари билан ҳисоб-китоб муносабатлари, кредит ресурсларини шакллантириш масалалари бу тадқиқотда ўз аксини топмаган. Яна бир ўзбек олими Ф.Додиевнинг илмий ишида қишлоқ хўжалигида инвестицион жараёнларни молиялаштириш муаммоларини тадқиқ қилган ва қишлоқ хўжалигини селектив кредитлаш таклифини ишлаб чиққан.

Умуман олганда, айтганда аграр ислоҳотлар жараёнида банкларнинг фаоллигини ошириш масаласи алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Диссертация ишининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг илмий-тадқиқотлар режаси билан узвий боғланган.

Илмий ишнинг мақсади бўлиб, аграр ислоҳотларни чуқурлаштиришда банкларнинг фаоллигини ошириш билан боғлиқ бўлган асосий муаммоларнинг моҳиятини очиб бериш ва уларни ҳал қилиш юзасидан илмий-амалий таклифлар ҳамда тавсиялар ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Ушбу мақсадга эришиш учун диссертацион тадқиқотда қуйидаги **вазифалар** белгилаб олинган:

-мамлакатимизда аграр ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг ҳуқуқий-молиявий асосларини тадқиқ қилиш ва уларга хос бўлган асосий хусусиятларни аниқлаш;

- аграр соҳани молиялаштиришда хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ва унинг ижобий жиҳатларини умумлаштириш;

-республикамизда аграр ислоҳотларни чуқурлаштиришда банкларнинг амалдаги ролини таҳлил қилиш;

-аграр ислоҳотларни чуқурлаштиришда банкларнинг ролини оширишга таъсир қилувчи омилларни илмий жиҳатдан ўрганиш;

-аграр ислоҳотларни чуқурлаштиришда банкларнинг фаоллигини ошириш билан боғлиқ бўлган асосий муаммоларнинг моҳиятини очиб бериш;

-аграр ислоҳотларни чуқурлаштиришда банкларнинг фаоллигини ошириш юзасидан амалий таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Диссертацион тадқиқотнинг объекти бўлиб, мамлакатимизнинг Марказий банки ва йирик тижорат банклари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб эса, банкларнинг аграр ислоҳотларни чуқурлаштиришдаги фаоллигини ошириш борасидаги асосий муаммоларни аниқлаш ва илмий жиҳатдан асослаб бериш ҳисобланади.

Илмий ишнинг назарий ва услубий асослари. Ўзбекистон Республикасининг тегишли қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг мавзуга алоқадор бўлган фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг муаммога тегишли бўлган қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, ўзбекистонлик ва хорижий мамлакатлар иқтисодчи олимларининг мавзуга алоқадор бўлган асарлари амалга оширилган тадқиқотнинг назарий ва услубий асосини ташкил қилади.

Диссертацион тадқиқотнинг **илмий янгилиги** аниқроқ тарзда қуйидагиларда намоён бўлди:

- аграр ислохотларни чуқурлаштириш жараёни билан тижорат банкларининг фаолияти ўртасида ўзаро чамбарчас боғлиқликнинг мавжудлиги, бунда борган сари банклар фаоллигининг ошиб бориши илмий жихатдан асослаб берилган;

- аграр ислохотларни чуқурлаштириш жараёнида қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятини молиялаштириш манбалари қиёсий жихатдан таҳлил қилинган ва ҳар бир молиялаштириш манбаини аҳамиятини асослашга хизмат қилувчи хулосалар шакллантирилган;

- аграр ислохотларни чуқурлаштириш жараёнида банклар фаоллигини ошириш борасида мавжуд бўлган асосий тенденциялар аниқланган;

- қишлоқ хўжалиги корхоналарини банклар томонидан кредитлаш билан боғлиқ бўлган қуйидаги муаммолар аниқланган ва асослаб берилган:

а) мамлакатимизда қишлоқ хўжалигига банк хизмати кўрсатадиган йирик тижорат банклари ресурс базасининг заифлиги;

б) дебитор-кредитор қарздорликни қисқартиришнинг самарали усули ҳисобланган факторинг операцияларини республикамиз банкларида ривожланмаганлиги;

в) қишлоқ хўжалик корхоналарининг асосий қисмида юқори ликвидли гаров объектларининг етишмаслиги;

- аграр ислохотларни чуқурлаштириш жараёнида тижорат банклари томонидан қишлоқ хўжалиги корхоналарига нисбатан ҳисоб-китоб шакллари қўллаш амалиётида мавжуд бўлган қуйидаги муаммолар аниқланган ва асослаб берилган:

а) йирик тижорат банклари томонидан қишлоқ хўжалик корхоналарининг мажбуриятлари бўйича очилаётган ҳужжатлаштирилган аккредитивларнинг асосий қисмини таъминланган аккредитивлардан иборат эканлиги ва бунинг натижасида корхоналарга тегишли қисмини уларнинг хўжалик оборотидан чиқиб қолаётганлиги;

б) Мамлакатимиз тижорат банкларининг қишлоқ хўжалик корхоналарини хорижий валютадаги ҳужжатли инкассо бўйича тўловларни амалга ошириш билан боғлиқ муаммо.

- аграр ислохотларни чуқурлаштириш жараёнида банклар фаоллигини ошириш юзасидан тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Жумладан, аграр сохани кредитлаш ҳажмини ошириш мақсадида тижорат банклари ресурслар базасини мустаҳкамлаш зарурлиги, фермер хўжалиklarини имтиёзли кредитлаш механизмининг такомиллаштириш хусусидаги, тижорат банклари томонидан қишлоқ хўжалик корхоналарига ҳисоб-китоб хизмати кўрсатишни такомиллаштириш хусусидаги таклифлар ишлаб чиқилган ва асослаб берилган.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот жараёнида илгари сурилган алоҳида амалий таклифлар Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалигининг фаолиятида, мамлакатимизнинг қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатаётган тижорат банкларининг фаолиятида, қишлоқ хўжалигини молиялаштиришни такомиллаштириш тадбирларини ишлаб чиқишда фойдаланилиши мумкин. Бундан ташқари илмий ғоялар ва ўрганилган

масалалар иқтисодий ўқув юртларининг аспирантлари ва талабалари учун қўлланма бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Диссертациядаги таклиф ва тавсиялар АТ Пахтабанкка тақдим этилган ва у аграр соҳани кредитлаш самарадорлигини ошириш тадбирларини ишлаб чиқишда фойдаланиш учун қабул қилинган.

Тадқиқотнинг синовдан ўтиши. Диссертациянинг асосий натижалари Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясида ўтказилган “Ўзбекистон Республикаси банк-молия тизимини такомиллаштириш ва уни халқаро молия бозорига интеграллашувининг долзарб масалалари” мавзудаги (1999 йил 15 май), Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академиясида ўтказилган “Молияларни ривожлантириш ва молия тизимини эркинлаштиришнинг асосий йўналишлари” мавзудаги (2000 йил 4-6 декабр), Тошкент Давлат юридик институтида бўлиб ўтган “Тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш муаммолари” мавзудаги (2003 йил 16 декабр), Тошкент Давлат иқтисодиёт университетиде ўтказилган “Иқтисодиётни модернизациялаш ва ислоҳ этиш – барқарор ўсишни таъминлашнинг бош йўли” мавзудаги илмий-амалий анжуман материалларида ўз ифодасини топган.

Тадқиқотнинг натижалари Тошкент Давлат иқтисодиёт университетиде, Минтақавий банк ўқув марказиде, Тошкент Молия институтида ва Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясида ташкил этилган семинарларда муҳокамадан ўтган ва ҳимояга тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг нашр қилинганлиги. Илмий ишнинг асосий муаммолари ва натижалари 6 та мақолада ўз ифодасини топган бўлиб, улар умумий 1,5 босма тобоқ хажмдадир.

Илмий ишнинг таркиби. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

Диссертацион тадқиқотнинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги асослаб берилган, шунингдек, илмий ишнинг мақсади ва вазифалари, предмети ва объекти, илмий янгилиги ва таркибий тузилиши ўз ифодасини топган.

Тадқиқотнинг биринчи бобида аграр ислоҳотларнинг иқтисодиётни ривожлантиришдаги ўрни, ушбу жараёнда зарур бўлган молиявий манбалар масаласи тадқиқ қилинган. Тадқиқот жараёнида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига оид статистик маълумотлардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг иккинчи бобида аграр ислоҳотларни чуқурлаштиришда банкларнинг роли масаласининг амалдаги ҳолати таҳлил қилинган. Таҳлиллар 2000-2004 йиллар маълумотларига асосланган.

Тадқиқотнинг учинчи бобида аграр ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнида банклар фаоллигини ошириш билан боғлиқ бўлган муаммолар аниқланган ва уларни ҳал этиш юзасидан амалий таклифлар ишлаб чиқилган. Амалий таклифлар ва тавсияларни ишлаб чиқишда бир қатор ривожланган хорижий давлатларнинг тажрибалари ўрганилган.

Диссертация ишининг хулоса қисмида шакллантирилган хулосалар ва ишлаб чиқилган амалий таклифлар ва тавсияларнинг қисқача мазмуни ўз ифодасини топган.

II. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Қишлоқ хўжалиги аграр, аграр-индустриал мамлакатларнинг асосий қисмида, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётнинг устувор тармоқларидан бири ҳисобланади. Президентимиз И.А.Каримов: “...қишлоқда туб ислохотлар ўтказиш, қишлоқ хўжалигини тараққий қилдириш, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг асосий омили ва манбаидир”² - деб бежиз таъкидламаганлар.

Ҳозирги кунда республикамиздаги аграр тармоқлар ялпи ички маҳсулотнинг тўртдан бир қисмидан кўпроғини ишлаб чиқармоқда. Мамлакатимиз ишлаб чиқариш ва интеллектуал салоҳиятининг ярмидан ортиғи муайян тарзда бевосита қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ. Мамлакат халқ хўжалигида банд бўлган ишчи кучининг 37 фоизидан ва барча аҳолининг 60 фоизидан ортиғи қишлоқларда яшайди³. Уларнинг моддий аҳволи, турмуш даражаси ва моддий фаровонлиги қишлоқ хўжалигидаги ишларнинг аҳволига, уни ривожлантиришнинг даражаси ва самарадорлигига боғлиқ. Шу билан бирга, қишлоқ хўжалик маҳсулоти мамлакат валюта тушумларининг сезиларли қисмини таъминлайдиган муҳим экспорт манбаларидан бири ҳисобланади. Хусусан, 2003 йилда пахта толасини сотишдан олинган валюта тушуми мамлакат жами валюта тушумларининг 20 фоиздан ортиқ қисмини ташкил қилди⁴.

Мамлакат қишлоқ хўжалигини миллий иқтисодиётдаги ўрнини белгиловчи кўрсаткичларнинг таҳлилини 1-жадвал маълумотлари орқали амалга ошириш мумкин.

1-жадвал

Ўзбекистон иқтисодиётида қишлоқ хўжалигини ўрнини белгиловчи асосий кўрсаткичлар⁵

Тармоқлар	ЯИМдаги улуши, Фоизда				Валюта тушумидаги улуши, фоизда			
	2001	2002	2003	2004	2001	2002	2003	2004
қишлоқ хўжалиги	30,2	30,6	28,8	26,8	44,6	40,0	19,8	18,1
Саноат	14,2	14,1	15,0	17,1	29,6	33,6	27,9	36,9
Хизматлар	38,0	38,5	38,1	37,6	13,7	14,1	14,4	11,8
Бошқалар	17,6	16,8	18,1	18,5	12,1	12,3	37,9	33,2

1-жадвал маълумотларидан кўринадикки, 2001-2004 йиллар мобайнида қишлоқ хўжалигининг ЯИМдаги улушидаги пасайиш тенденцияси кузатилади.

² Каримов И.А. Бунёдкорлик - фаровон ҳаёт асоси: Уз.Р Олий мажлисининг IV сессиясида сызланган нутқи. 1995 йил 21 декабр.-Т.: “Ўзбекистон”, 1995, 14-бет.

³ Каримов И.А. Эришган марраларимизни мустаҳкамлаб, ислохотлар йўлида изчил бориш – асосий вазифамиз. Ўзбекистон овози газетаси. 2004 йил 10 феврал.

⁴ Каримов И.А. Эришган марраларимизни мустаҳкамлаб, ислохотлар йўлида изчил бориш – асосий вазифамиз. Ўзбекистон овози газетаси. 2004 йил 10 феврал.

⁵ Маълумотлар “Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати” ва “Ўзбекистоннинг иқтисодий йўналишлари” статистик тўпламлари асосида тайёрланган 2005 й.

Бу эса, қишлоқ хўжалигида товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг ёмонлашаётганлигидан далолат беради. қишлоқ хўжалигининг ЯИМдаги улушини барқарор даражасини таъминлаш зарур. Бу ҳолат аграр ислохотларни чуқурлаштиришнинг зарурлигини белгиловчи омиллардан бири ҳисобланади.

Жадвал маълумотларидан кўринадики, таҳлил қилинган давр мобайнида қишлоқ хўжалигининг валюта тушумидаги улуши сезиларли даражада пасайиши кузатилган. Ушбу пасайиш пахта хом-ашёсини республикамизнинг қзида қайта ишлаш хажмини ўсаётганлиги ва саноат маҳсулотлари экспортининг сезиларли даражада ошаётганлиги билан изоҳланади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, айниқса, пахта ва пахта толасини экспорт қилишдан келган валюта даромади ҳозирги кунда озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар, техника ва технология ускуналари импорти бўйича тўловларни таъминлаётган асосий манбалардан биридир.

Миллий иқтисодиётда саноатнинг кўплаб тармоқлари, қайта ишлаш, жумладан, пахта тозалаш, кимё саноати, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, тайёрлов ва шу кабиларни ривожлантириш истиқболлари, уларнинг бозор муносабатларига ўтиш давридаги иқтисодий, молиявий аҳволи бевосита қишлоқ хўжалик тармоғининг ривожланиш натижаларига боғлиқ бўлади. Булардан ташқари, аграр сектор мамлакатимиздаги барқарорликнинг ҳам қудратли омилидир.

Республика қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларини шакллантириш, мулкчиликнинг нодавлат шаклига ўтиш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, дехқон ва фермер хўжаликлари фаолиятини йўлга қўйиш кабилар аграр ислохотларнинг муҳим йўналишидир.

2-жадвал

Ўзбекистон Республикасида дехқон ва фермер хўжаликлари сонининг ўзгариши⁶

(минг бирлик ҳисобида)

Кўрсаткичлар	2001	2002	2003	2004
1. Дехқон хўжаликлари сони	3243,6	3312,3	4377.1	4481,7
2. Фермер хўжаликлари сони	43,8	55,4	87,5	103,9

2-жадвал маълумотларидан кўринадики, таҳлил қилинган давр мобайнида, дехқон ва фермер хўжаликлари сонининг ўсиш тенденцияси кузатилди. Бу ўсиш суръати, айниқса, фермер хўжаликларида юқори бўлган. Чунончи, 2004 йилда фермер хўжаликлари сони 2003 йилга нисбатан 18,7 фоизга ўсган. Бу кўрсаткичнинг ўсиши 2002-2003 йиллар мобайнида 57,9 фоизни ташкил қилган.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий бюллетен маълумотларидан олинди. - Тошкент, 2005 й.

2004 йилда дехқон хўжаликларининг сони 2003 йилдагига нисбатан 2,4 фоизга ўсган. Бу кўрсаткичнинг 2004 йилда 2001 йилга нисбатан ўсиши 38,2 фоизни ташкил қилган.

Дехқон ва фермер хўжаликлари сонининг сезиларли даражада юқори суръатларда ўсиши қишлоқ хўжалигида хусусийлаштириш жараёни янада чуқурлашаётганлигидан ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари ўртасидаги рақобатни ривожланаётганлигидан далолат беради.

Диссертацион тадқиқотда қишлоқ хўжалик корхоналарининг фаолиятини молиялаштириш манбалари тадқиқ қилинди ва таниқли иқтисодчи олимларнинг, шу жумладан, Жан Матук, Я.Корнаи, Р.Дорнбуш, К.Макконнелл, Е. Серова, Р.Янбых, Д.МакНотонларнинг бу борадаги фикрлари таҳлил қилинди. Натижада қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятини молиялаштиришнинг қуйидаги асосий манбаларининг мавжудлиги асослаб берилди:

1. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ўз маблағлари.
2. Тижорат банкларининг кредитлари.
3. Давлат бюджетидан бериладиган субсидиялар.
4. Халқаро молия-кредит ташкилотларининг кредитлари ва молиявий ёрдамлари.
5. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг қимматли қоғозларини сотишдан олинган маблағлар.

Таниқли иқтисодчи олимларнинг қишлоқ хўжалиги корхоналарини молиялаштириш манбалари хусусидаги қарашларида мунозарали жихатлар мавжуд. Масалан, Диана МакНотоннинг Вашингтонда чоп этилган ва рус тилига таржима қилинган “Банковские учереждения в развивающихся рынках” номли монографиясида қишлоқ хўжалиги корхоналари бўлғуси хосилини гаровга олиш йўли билан кредитлаш, уларнинг балансида юқори ликвидли гаров объектларининг етишмаслиги шароитида, кредитдан асосий молиялаштириш манбаи сифатида фойдаланиш мумкин деган хулосани шакллантирган.

Профессор О.О.Лаврушин эса кредитдан қишлоқ хўжалиги корхоналарининг фаолиятида асосий молиялаштириш манбаи сифатида фойдаланиш учун қишлоқ хўжалиги корхоналарининг кредит тўловига лаёқатлилигини ошириш зарур деб ҳисоблайди.

Е.Серова ва Р.Янбыхлар ривожланаётган мамлакатларда қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ўз маблағлари, улар фаолиятини ривожлантиришнинг асосий манбаси бўла олмаслигини ва банк кредитини биринчи даражали ахамиятга эга бўлган молиялаштириш манба эканлигини эътироф этадилар.

Бизнинг фикримизча, етакчи иқтисодчи олимлар банк кредитини қишлоқ хўжалиги корхоналарни молиялаштиришнинг асосий манба эканлигини эътироф этадилар. Бу масаладаги мунозаранинг мохияти банк кредитлари асосий молиялаштириш манбаи даражасига кўтариш шароитлари ва усуллари хусусидаги назарий бахсларда намоён бўлади.

Бизнинг фикримизча бозор муносабатлари шароитида қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ўз маблағлари ва тижорат банкларининг кредитлари улар фаолиятини молиялаштиришнинг асосий манбалари бўлиб қолади. Чунки, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг балансида юқори ликвидли гаров объектлари етарли бўлмаган шароитда уларга кредит бериш тўғрисидаги қарорни қабул қилишда қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ўз маблағлари билан таъминланганлик даражаси асосий рол ўйнайди.

Тадқиқот жараёнида республикамизнинг бир қатор йирик тижорат банкларининг қишлоқ хўжалигини кредитлаш амалиёти таҳлил қилинди.

3-жадвал

Ўзбекистон Республикаси акционерлик-тижорат Ғаллабанки кредит портфелининг тармоқ хусусиятига кўра таркиби⁷(йил бошига)

(фоизда)

Кўрсаткичлар номи	2002	2003	2004	2005	Ўзгариши, фоизда
1. Кредит қўйилмалари	100,0	100,0	100,0	100,0	х
Шу жумладан тармоқлар бўйича					
Саноат	88,2	92,9	79,4	45,6	4,7
қишлоқ хўжалиги	0,7	0,8	11,2	11,9	0,1
қурилиш	0,0	0,1	0,1	1,3	0,1
Транспорт ва коммуникация	0,0	0,1	0,3	0,7	0,1
Савдо ва умумий овқатланиш соҳаси	0,9	1,5	3,4	7,3	0,6
Моддий-техникавий таъминот ва сотув	0,0	0,0	0,0	0,6	0,0
Бошқа секторлар	10,2	4,6	5,6	32,6	-5,6

3-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадикки, таҳлил қилинган давр мобайнида Акционер Тижорат “Ғаллабанк”и кредит қўйилмаларининг умумий ҳажмида, таҳлил қилинган давр мобайнида саноат корхоналарига берилган кредитлар салмоғини пасайиш тенденцияси кузатилган. Ушбу пасайиш тенденцияси қишлоқ хўжалик қишлоқ хўжалик корхоналарига берилган кредитларнинг ўсиш тенденциясини юзага келганлиги билан изоҳланади. Бунинг сабаби шундаки, қишлоқ хўжалиги ва саноат корхоналарига берилган кредитлар миқдорий жиҳатдан қурилиш, транспорт ва коммуникация, савдо ва умумий овқатланиш, моддий-техникавий таъминот соҳаларига берилган кредитларга нисбатан анча каттадир.

Қишлоқ хўжалигига банк томонидан берилаётган кредитларнинг миқдорини ўсиши ва уларнинг кредит қўйилмалари умумий ҳажмидаги салмоғининг ошиши, шубҳасиз, қишлоқ хўжалигини кредитлаш ва унга хизмат

⁷ “Ўзғаллабанк”нинг йиллик ҳисобот маълумотлари асосида диссертант томонидан ҳисобланди.-Т., 2004 й.

қилувчи банкларнинг кредит салоҳиятини ошириш нуқтаи-назардан ижобий ҳолат ҳисобланади.

Айни вақтда Ғаллабанк кредитларининг 45,6 фоизини саноат тармоғида тўпланганлиги салбий ҳолат ҳисобланади. Чунки жаҳон банки экспертларининг фикрига кўра банк кредитларининг 30 фоиздан ортиқ қисми бир тармоқда тўпланиши уларнинг кредитлаш салоҳиятига нисбатан кучли салбий таъсирини юзага келтиради.

“Ўзғаллабанк”да таҳлил қилинган давр мобайнида қишлоқ хўжалигига берилган кредитларнинг жами кредитлар ҳажмидаги салмоғи жуда кичиклигича қолди. Бу эса, банк томонидан қишлоқ хўжалигини кредитлашга эътибор берилмаётганлигидан далолат беради. Банк кредитларининг 45 фоиздан ортиқ қисмини “Ўздонмахсулот” корпорацияси тизимидаги саноат корхоналарида тўпланганлиги унинг кредит портфелини диверсификация қилинмаганлигини англатади.

Айни пайтда, шуни таъкидлаш жоизки, “Ўзғаллабанк” томонидан донни қайта ишлаш саноатига берилган кредитларнинг маълум қисми қишлоқ хўжалигида ғалла етиштирувчи хўжаликлардан сотиб олинган маҳсулотларни харид қилишга ишлатилган.

Энди биз мамлакатимизнинг йирик тижорат банкларидан бири бўлган ва қишлоқ хўжалигида асосий экин тури бўлган пахтани етиштириш ва қайта ишлашни молиялаштириш мақсадида ташкил этилган “ЎзПахтабанк” нинг кредитлаш амалиёти ва унда қишлоқ хўжалигини кредитлаш масаласини кўриб чиқамиз.

4-жадвал.

АТ “Пахтабанк” кредит портфелининг тармоқ хусусияти⁸
(йил бошига)

(фоизда)

№	Тармоқлар	2003	2004	2005
1	Саноат	29,6	39,7	26,6
2	Қишлоқ хўжалиги	24,4	23,8	48,5
3	Моддий-техника таъминоти	16,4	12,7	12,7
4	Савдо	8,0	9,1	6,0
5	Қурилиш	1,4	0,9	0,8
6	Транспорт	0,5	0,4	0,2
7	Бошқа тармоқлар	19,7	13,4	5,2
	Жами	100,0	100,0	100,0

4-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадики, Пахтабанк кредит қўйилмаларининг 48,5 фоизи қишлоқ хўжалиги корхоналарида тўпланган. Бу ҳолат банкнинг қишлоқ хўжалигини кредитлашдаги ролининг катталигидан ва банк кредит сиёсати қишлоқ хўжалигини кредитлашни устивор йўналиш эканлигидан далолат беради.

⁸ АТ “Пахтабанк”нинг йи ллик ҳисобот маълумотлари асосида тиддертант томонидан тузилди.-Т., 2005й.

Айни вақтда, банк кредитларининг 30 фоиздан ортиқ қисми битта тармоқда тўпланганлиги унинг кредитлаш салоҳиятига нисбатан салбий таъсири юзага келтириши мумкин.

4-жадвалдан кўринадики, банк кредитларининг умумий ҳажмида саноат корхоналарига берилган кредитлар юқори салмоқни эгаллайди. Бу эса, қишлоқ хўжалиги корхоналарини техника ва ускуналар билан таъминлаш мақсадида берилган кредитларнинг юқори салмоғи билан изоҳланади.

“Пахта” банкнинг, 2004 йил 29 январда Банк Кенгашининг 2/7-сонли мажлис қарори билан тасдиқланган, “Акциядорлик тижорат Пахта банк тизимида қишлоқ хўжалик корхоналарига кредит бериш тўғрисида”ги Тартиб асосида қишлоқ хўжалигида фаолият кўрсатувчи субъектларни банк томонидан кредитлаш амалга оширилади.

2001-2004 йиллар мобайнида “Пахта” банк кредит қуйилмаларининг тармоқлар бўйича таркибини таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатдики, кредитнинг асосий қисми қишлоқ хўжалиги корхоналарига берилган.

Бугунги кунда, “Пахта” банк тизимида жами 1517 та ширкат хўжалигига хизмат кўрсатилмоқда. Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли қарорига асосан республика бўйича 284 та хўжаликни фермер хўжаликларига айлантириш белгиланган. Ушбу хўжаликларнинг 249 таси Пахта Банк хизматидан фойдаланиб келади.

Кредитларнинг асосий қисми қишлоқ хўжалиги техникаси ва эҳтиёт қисмлари, йирик шохли қора моллар, парранда, уруғлик картошка, омухта ем, минерал ўғитлар, бошқа товар моддий бойликлари учун ажратилган.

Ажратилган кредитларни вилоятлар миқёсидаги ёйилмасини кўрадиган бўлсак, энг кўп кредитлар Самарқанд (1468 млн. сўм), Бухоро (1126 млн. сўм) вилоятлари ҳиссасига тўғри келади.

Шуниси характерики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 7 ноябрдаги 383-сонли қарори билан Бухоро, Наманган, Фарғона ва Хоразм вилоятларида амалдаги аванс бериш механизми ўрнига, фермер хўжаликларининг давлат эҳтиёжлари учун пахта хом-ашёси ва ғалла ишлаб чиқариш харажатларини уларга хизмат кўрсатувчи тижорат банклари орқали тўғридан-тўғри имтиёзли кредитлаш механизмини синаб кўришга розилик берилди. Ушбу қарорга мувофиқ, “Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта хом-ашёси ва ғалла етиштириш бўйича фермер хўжаликларининг харажатларини кредитлашнинг вақтинчалик тартиби” ишлаб чиқилди.

Мазкур механизм 2004 йилдан бошлаб, Андижон, Жиззах, Навоий ва Самарқанд вилоятларида ҳам жорий қилинди. Амалдаги “вақтинчалик Тартиб” ўрнига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2003 йил 8 ноябрида “Фермер хўжаликларининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш” Тартиби қабул қилинди.

Ривожланган хорижий давлатларда, жумладан, АҚШ, ГФР, Голландияда Марказий банк томонидан аграр соҳа корхоналарини селектив кредитлаш

амалга оширилади. Республикамиз амалиётида эса, ҳозирги вақтда Марказий банкнинг селектив кредитлари мавжуд эмас. Аммо, республикамизда қишлоқ хўжалигини банк кредитлари ҳисобидан молиявий рағбатлантиришда қишлоқ хўжалигига берилган банк кредитларини ҳукуматнинг кафолатлари билан таъминлаш усулидан фойдаланилади. Бунда тижорат банкларининг қишлоқ хўжалик корхоналарига берилган кредитлари ҳукуматнинг кафолати билан таъминланади ва кредитларнинг қайтмаган қисми Давлат бюджетининг маблағлари ҳисобидан қопланади.

Диссертацион тадқиқотни амалга оширишда аграр ислохотларни чуқурлаштириш жараёнида банклар фаоллигини оширишнинг иккинчи йўналиши бўлган банклар ва аграр соҳа корхоналари ўртасидаги ҳисоб-китоб муносабатларини такомиллаштиришнинг амалдаги ҳолати ҳам таҳлил қилинди. Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, тўлов топшириқномалари воситасида ҳисоблашиш республикамизнинг банк амалиётида, шу жумладан, “ЎзПахтабанк” амалиётида кенг қўлланиладиган ҳисоб-китоб шакли ҳисобланади. Бунда тўлов корхонанинг, шу жумладан, қишлоқ хўжалик корхонасининг (бундан буён “корхона” деб аталади) топшириқномасига асосан амалга оширилади. Тўловни корхонанинг розилигисиз амалга ошириш мумкин эмас.

Тўловнинг кафолатланмаганлиги тўлов топшириқномалари воситаси-даги ҳисоб-китобларга хос бўлган асосий камчилик ҳисобланади. Бундаги иккинчи камчилик, товарлар сўммасининг асосий қисми олдиндан тўланган шароитда, сифатсиз товарлар етказиб бериш хавфи сақланиб қолади.

Агар товарларнинг суммаси қисман ёки тўлиқ олдиндан тўлаб бериш шартномада кўзда тутилган бўлса, у ҳолда хўжалик шартномаси имзолангандан сўнг корхона тўлов топшириқномасини ёзади. Бунда сотиб олувчи корхонага нисбатан қуйидаги муаммоларни юзага келтиради:

1. Сотиб олувчилар учун сифатсиз товарлар етказиб бериш хавфи сақланиб қолади. Чунки товарлар суммасининг сезиларли қисми тўлаб берилганда, кўпчилик ҳолларда, мол етказиб берувчиларда сифатли товар бериш борасида маъсулиятсизлик кучаяди. Банк амалиётида бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

2. Товарлар суммасининг сезиларли қисмини олдиндан тўлаб бериш сотиб олувчининг молиявий ҳолатига, аввало, пул оқимиغا салбий таъсир қилади.

Ривожланган хорижий давлатлар банк амалиётида, хусусан, Ғарбий Европа давлатларининг амалиётида тўлов топшириқномалари воситасидаги ҳисоб-китобларда товарларнинг суммасини олдиндан тўлаш тартибидан камдан-кам ҳолларда фойдаланилади. Чунки ҳисоб-китобнинг ушбу шаклидан бир-бирига нисбатан мустаҳкам ишончи мавжуд бўлган корхоналар фойдаланади. Бундай шароитда сифатсиз товарлар етказиб бериш хавфи мавжуд эмас. Чунки товарлар суммасининг маълум қисми мол етказиб берувчига олдиндан тўлаб берилмайди.

Акционерлик-тижорат “Пахта” банкининг фаолиятида миқозларнинг етказилган товарлар ва кўрсатилган хизматлар бўйича тўловларини амалга


оширишда хужжатлаштирилган аккредитивлардан ва хужжатли инкассодан фаол тарзда фойдаланилмоқда. Айниқса, корхоналарнинг импорт тўловларини 90 фоиздан ортиқ қисми ана шу иккита ҳисоб-китоб шакли орқали амалга оширилмоқда.

Ривожланган хорижий давлатларнинг банк амалиётида аккредитивларнинг асосан икки шаклидан кенг кўламда фойдаланилади. Уларнинг биринчиси чақириб олинмайдиган аккредитивлар бўлса, иккинчиси эса, тасдиқланмайдиган аккредитивлардир.

Хужжатлаштирилган аккредитивларнинг айнан шу икки шакли банкларга юқори даромад олишни таъминлайди.

Аммо республикаимизнинг тижорат банкларининг амалиётида, шу жумладан, “ЎзПахтабанк”нинг фаолиятида хужжатлаштирилган аккредитивларнинг таъминланганлик шаклидан кенг кўламда фойдаланилмоқда. Таъминланган хужжатлаштирилган аккредитивларга хос бўлган асосий камчилик-бу корхонага тегишли пул маблағларининг маълум қисмини унинг хўжалик оборотидан чиқиб кетиши ҳисобланади. Бундан ташқари, таъминланган аккредитивлар тижорат банкларига юқори даромад олиш имконини бермайди. Ҳолбуки, ривожланган саноат мамлакатларининг банк амалиётида хужжатлаштирилган аккредитивларни қўйиш билан боғлиқ бўлган операциялар тижорат банкларига юқори даромад келтиради.

Биз қуйидаги шакл орқали таъминланган аккредитивлар воситасида амалга ошириладиган операцияларнинг ҳолатини таҳлил қиламиз.



7-чизма. “ЎзПахтабанк” фаолиятида хужжатлаштирилган аккредитивлар воситасида корхоналарнинг тўловлари бўйича халқаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби

Бунда:

- 1-хўжалик шартномасини имзолаш;
- 2-сотиб олувчи ўз банкига хужжатлаштирилган аккредитив очиш тўғрисида ариза беради;

3-“Пахта” банк ҳужжатлаштирилган аккредитив суммасини миждознинг жорий ҳисобварағидан олади ва уни 22602-ҳисобварағида депонентлайди;

4-“Пахта” банк мол етказиб берувчининг банкига аккредитив телеграммаси жўнатади;

5-мол етказиб берувчининг банки мол етказиб берувчини аккредитив очилганлигидан хабардор қилади;

6-мол етказиб берувчи товарларни жўнатади;

7-мол етказиб берувчи товарлар билан боғлиқ барча ҳужжатларни ўзининг банкига топширади;

8-мол етказиб берувчининг банки барча ҳужжатларни текшириб қабул қилиб олади;

9-мол етказиб берувчининг банки товарлар билан боғлиқ барча ҳужжатларни сотиб олувчининг банкига тўлов учун жўнатади;

10-“Пахта” банк келиб тушган ҳужжатларга асосан тўловни амалга оширади. Шу билан бирга банк товарларнинг келиб тушишини ҳам назорат қилади;

11-“Пахта” банк товарлар билан боғлиқ барча ҳужжатларни сотиб олувчига узатади;

12-мол етказиб берувчининг банкига 10-операция амалга оширилганлиги тўғрисидаги хабар етказилади;

13-мол етказиб берувчининг банки тўлов суммасини мол етказиб берувчининг жорий ҳисобварағига ўтказилади;

14-мол етказиб берувчининг банки мол етказиб берувчининг жорий ҳисобварағидан кўчирма беради.

“Пахтабанк” фаолиятида кенг кўламда қўлланилаётган мазкур аккредитивнинг қуйидаги камчиликлари мавжуд:

а) Банкнинг миждози бўлган сотиб олувчиларнинг пул маблағларининг маълум қисми уларнинг хўжалик оборотидан чиқиб кетади. Бу эса, уларнинг ликвидлилигига салбий таъсир қилади.

б) Сотиб олувчиларнинг депонент қилинган маблағларига фоиз тўланмайди.

в) Республикамиждознинг тижорат банклари аккредитив орқали юқори даромад олиш имконига эга бўлмайди.

Диссертацион тадқиқот бажариш жараёнида амалга оширилган таҳлил натижалари республикамиждозда қишлоқ хўжалигини молиялаштиришда банк тизимининг фаоллигини ошириш билан боғлиқ бўлган сезиларли муаммоларнинг мавжудлигини кўрсатди. Ушбу муаммолардан асосийлари, бизнинг фикримизча, қуйидагилардан иборатдир:

1. Мамлакатимиждозда қишлоқ хўжалигига банк хизмати кўрсатадиган йирик тижорат банкларининг ресурс базасининг заифлиги.

2. Мамлакатимиждоз тижорат банкларининг хўжалик субъектлари ўртасидаги дебитор-кредитор қарздорликни қисқартиришнинг самарали усули ҳисобланган факторинг операцияларини ривожланмаганлиги.

3. Тижорат банкларининг қишлоқ хўжалик корхоналарини кредитлаш амалиётида сезиларли камчиликларнинг мавжудлиги.

Ушбу камчиликлар мажмуига, бизнинг фикримизча, қуйидагилар киради:

-тижорат банклари томонидан қишлоқ хўжалик корхоналарини кредитлашда кредитлаш шаклларида тўлиқ фойдаланилмаётганлиги;

-қишлоқ хўжалиги корхоналарининг балансида юқори ликвидли гаров объектларининг етишмаслиги;

-қишлоқ хўжалик корхоналарининг сезиларли қисмида пул оқимининг заиф эканлиги.

4. Республикаимизнинг тижорат банклари томонидан қишлоқ хўжалик корхоналарига ҳисоб-китоб хизмати кўрсатиш соҳасида мавжуд бўлган муаммолар.

Мазкур муаммоларга қуйидагилар киради:

а) республикаимизнинг йирик тижорат банклари томонидан, шу жумладан, акционерлик-тижорат “Пахта” банки томонидан очилаётган ҳужжатлаштирилган аккредитивларнинг асосий қисмини таъминланган аккредитивлардан иборат эканлиги.

б) Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан қишлоқ хўжалик корхоналарининг экспорт аккредитивларини тасдиқлаш билан боғлиқ бўлган муаммо.

в) “ЎзПахтабанк”да қишлоқ хўжалик корхоналарининг хорижий валюталардаги тўловларини амалга ошириш билан боғлиқ ҳужжатли инкассо воситасидаги халқаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган муаммо.

5. Қишлоқ хўжалигини кредитлаш билан фаол тарза тарзда шуғулланаётган тижорат банкларининг капитализация даражасини ошириш муаммоси.

III. ХУЛОСА

Диссертацион тадқиқот жараёнида шакллантирилган асосий хулосалар ва ишлаб чиқилган амалий таклиф ҳамда тавсиялар қуйидагилардан иборат:

-Ўзбекистон Республикасида аграр ислохотларни чуқурлаштириш зарурияти, аввало, жами аҳолининг ва халқ хўжалигида банд бўлган аҳолининг асосий қисмини қишлоқ жойларда яшаши билан изоҳланади. Узоқ йиллар мобайнида қишлоқ хўжалик соҳасида ишлаб чиқариш самарадорлигининг паст даражада сақланиб қолганлиги, қишлоқ хўжалик корхоналарининг зарарларини давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланиш амалиётининг мавжуд бўлганлиги бу соҳада лоқайдлик, маъсулиятсизлик кайфиятларини шаклланишига ва кучайишига олиб келди.

-2001-2004 йиллар мобайнида деҳқон ва фермер хўжаликлари сони ўсиш тенденцияси кузатилди ва бу ҳолат қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари ўртасида соғлом рақобат муҳитининг шаклланишига ижобий таъсир кўрсатади.

-Республикаимиз қишлоқларида фермерлар ва деҳқонлар етиштирган маҳсулотларни шартномавий нархларда сотиб олади ва қишлоқ ахлига зарур

товарларни етказиб берадиган инфратузилма тармоғини ханузгача яратилмаганлиги, уларнинг молиявий аҳволига салбий таъсир кўрсатмоқда.

-Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг молиявий ҳолатидаги салбий тенденциялар сақланиб қолмоқда. Хусусан, 2001-2002 йиллар мобайнида фаолиятини фойда билан яқунлаган хўжаликларнинг сони 23,1 фоизга камайди. Бу эса, қишлоқ хўжалик корхоналарининг банк кредитларидан фойдаланиш имкониятларини тобора чекланиб қолаётганлигидан далолат беради. Чунки берилган кредитлар корхоналарнинг фойдаси ҳисобидан қайтарилади.

-2001-2004 йиллар мобайнида мамлакатимизнинг тижорат банклари томонидан миллий иқтисодиётга йўналтирилган кредитларнинг ҳажми сезиларли даражада ўсди. Аммо қишлоқ хўжалигига берилган кредитларнинг жами кредит қуйилмаларининг ҳажмидаги салмоғи кичиклигича қолмоқда. Мазкур ҳолатлар банкларнинг қишлоқ хўжалигини кредитлашдаги фаолиятини ривожланмаганлигидан далолат беради.

-Ҳозирги даврда қишлоқ хўжалиги корхоналарига амалдаги аванс бериш механизми ўрнига уларнинг давлат эҳтиёжлари учун пахта хом-ашёси ва ғалла ишлаб чиқариш харажатларини тўғридан-тўғри имтиёзли кредитлаш жорий этилди. Ушбу имтиёзли кредитларнинг фоиз ставкалари йиллик даражасини 5 фоиздан ошмаслиги улардан қишлоқ хўжалик корхоналарининг фаолиятида фойдаланиш самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Айни вақтда қишлоқ хўжалиги корхоналарини кредитлашнинг гаров механизми мукамал ишлаб чиқилмаган. Кредит рискинни фақат Ўзагросуғурта компаниясининг суғурта полислари асосида суғурталаш кўзда тутилган. Ҳолбуки, қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун зарур бўлган кредитларнинг қайтмаслик хавфини тўлиқ суғурталаш учун Республикамиз компанияларини молиявий имкониятларини етарли эмаслиги яққол кўзга ташланмоқда

-Республикамизнинг тижорат банклари томонидан ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалик корхоналарига, асосан, тўлов топшириқномалари воситасида ҳисоб-китоб хизмати кўрсатилмоқда. Чеклар воситасидаги тўловлар умуман мавжуд эмас. Хужжатлаштирилган аккредитивлар воситасидаги тўловларнинг миқдори жуда кичик. Ҳолбуки, тўлов топшириқномалари бир қатор жиддий камчиликларга эга. Улардан асосийси тўловнинг кафолатланмаганлиги бўлиб, дебитор-кредитор қарздорликнинг янада ошишига имкон яратади. Халқаро амалиётда қишлоқ хўжалиги корхоналарига ҳисоб-китоб хизмати кўрсатиш механизмида тижорат векселлари ва хужжатлаштирилган аккредитивлар муҳим рол ўйнайди.

-қишлоқ хўжалигини кредитлаш билан доимий ва фаол тарзда шуғулланаётган тижорат банкларининг муддатли ва жамғарма депозитларини мажбурий захира ажратмасидан озод қилиш ёки уларга нисбатан имтиёзли захира ставкаларини жорий қилиш лозим;

-республикамизнинг йирик тижорат банкларини қишлоқ хўжалик корхоналарига берадиган факторинг кредитларининг ҳажмини ошириш лозим;

-тижорат банклари томонидан қишлоқ хўжалик корхоналарини молиялаштиришда кредитлаш шаклларида тўлиқ фойдаланишни таъминлаш лозим;

-қишлоқ хўжалик қорхоналарига тижорат банклари томонидан ҳисоб-китоб хизмати кўрсатишни такомиллаштириш лозим;

-фермер ва ширкат хўжаликларига давлат буюртмасидан ортиқ миқдордаги пахтани фьючерс шартномалари асосида мустақил сотиш ҳуқуқини бериш лозим;

-Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалик қорхоналарининг сезиларли қисмининг молиявий ҳолатини нобарқарорлигини, инвестицион харажатларни молиялаштириш манбаларидан фойдаланиш имкониятларининг жиддий тарзда чекланганлигини ҳисобга олиб, уларнинг фаолиятини лизинг асосида молиялаштиришни ривожлантириш зарур;

- АҚШ ва Германия давлатларининг аграр сохани молиялаштириш аграр соҳасидаги тажрибаларини ўрганиш асосида қишлоқ хўжалиги қорхоналарини кредитлаётган банкларга Ҳукумат томонидан имтиёзли кредитлар бериш ва узок муддатли ресурслар билан таъминлашнинг мақсадга мувофиқлиги асослаб берилди.

IV. Эълон қилинган ишлар рўйхати

1. Шодмонов Э. Повышение роли коммерческих банков в финансировании сельскохозяйственного производства // Актуальные вопросы совершенствования банковско-финансовой системы Республики Узбекистан и её интеграции в мировой финансовый рынок: Материалы научно-практической конференции. –Ташкент: Баковская-финансовая академия, 1999.-С.30.

2. Шодмонов Э. Повышение роли банков в осуществлении аграрных реформ в условиях либерализации экономики // Приоритетные направления развития финансов и либерализации финансовой системы в условиях рыночных отношений. Материалы международной научно-практической конференции. – Москва: 4-6 декабря 2000г. -С.41-42.

3. Шодмонов Э., Ҳамроев О. Аграр ислохотларни амалга оширишда банкларнинг роли // *Vozog, pul kredit*. №9-10,2002. -Б.6-7.

4. Шодмонов Э., Алимов П. Кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланишида банклар фаолияти // Тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш муаммолари. Илмий-амалий конференция материаллари. –Тошкент: ТДЮИ, 2003. Б. 102-104.

5. Шодмонов Э. Фермер хўжаликларини ривожланишида тижорат банклари // Илмий-амалий конференция материаллари. –Тошкент: ТДИУ. 2005. Б.175-177.

6. Шодмонов Э., Мансуров С. Тижорат банклари кредити // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. №5, 2005. -Б.7-8.

**Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига талабгор
Э.Ш.Шодмоновнинг 08.00.07-“Молия, пул муомаласи ва кредит”
иқтисослиги бўйича “Аграр ислохотларни чуқурлаштиришда банклар
фаоллигини оширишнинг асосий йўналишлари” мавзусидаги
диссертациясининг**

РЕЗЮМЕСИ

Таянч сўзлар: факторинг, селектив кредитлаш, хужжашлаштирилган аккредитив, регресс ҳуқуқи, молиявий левераж, дисконт ставкаси, аграр инфратузилмаси, хужжатли инкассо, мажбурий захира ажратмаси, мақсадли транш.

Тадқиқот объектлари: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва йирик тижорат банклари.

Ишнинг мақсади: аграр ислохотларни чуқурлаштиришда банкларнинг фаоллигини ошириш билан боғлиқ бўлган асосий муаммоларнинг моҳиятини очиб бериш ва уларни ҳал қилиш юзасидан илмий-амалий таклифлар ҳамда тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот усуллари: тизимли ёндашув, таркибий ва қиёсий таҳлил, статистик гуруҳлаш ва бошқалар.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги:

- аграр ислохотларни чуқурлаштиришнинг объектив зарурлиги, бу жараён билан тижорат банкларнинг фаолияти ўртасида ўзаро чамбарчас боғлиқликнинг мавжудлиги, бунда борган сари банклар фаоллигининг ошиб бориши илмий жихатдан асослаб берилди;

- аграр ислохотларни чуқурлаштириш жараёнида банклар фаоллигини ошириш борасида мавжуд бўлган асосий тенденциялар аниқланди;

- фермер хўжалиklarини имтиёзли кредитлаш механизмини такомиллаштириш юзасидан аниқ таклиф ишлаб чиқилди;

- республикада тижорат банклари томонидан қишлоқ хўжалик корхоналарига ҳисоб-китоб хизмати кўрсатишни такомиллаштириш йўллари ишлаб чиқилди ва асослаб берилди.

Амалий аҳамияти: тадқиқот жараёнида илгари сурилган алоҳида амалий таклифлар қишлоқ хўжалигини молиялаштиришни такомиллаштириш тадбирларини ишлаб чиқишда фойдаланилиши мумкин.

Тадбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: тадқиқотни амалга ошириш натижасида ишлаб чиқилган аниқ таклифлар ва тавсиялар тижорат банкларининг фаолиятида қишлоқ хўжалик корхоналарига банк хизмати кўрсатишни такомиллаштириш тадбирларини ишлаб чиқишда муваффақиятли қўлланилди.

Қўлланиш соҳаси: банк тизими.

РЕЗЮМЕ

диссертации Шодмонов Э.Ш. на тему: “Основные направления активизации банков в углубление аграрных реформ в Узбекистане” на соискание ученой степени кандидата экономических наук по специальности 08.00.07 - “Финансы, денежное обращение и кредит”

Ключевые слова: факторинг, селективное кредитование, документарный аккредитив, право регресса, финансовый левераж, дисконтная ставка, аграрная инфраструктура, документарное инкассо, обязательное резервное отчисление, целевой транш.

Объект исследования: Центральный банк и крупные коммерческие банки республики Узбекистан.

Цель работы: раскрыть суть основных проблем, связанных с активизацией банков в углубление аграрных реформ и разработать практические продолжение и рекомендаций по решению этих проблем.

Методы исследования: системный подход, структурный и сравнительный анализ, метод статической группировки и др.

Полученные результаты и их новизна:

-обоснованы объективная необходимость углубления аграрных реформ, взаимосвязь коммерческих банков с этим процессом, повышение активизации банков;

-определены основные тенденции в области активизации банков в процессе углубления аграрных реформ;

-разработано конкретное продолжение по совершенствованию механизма льготного кредитования фермерских хозяйств;

-разработаны и обоснованы конкретные меры по совершенствованию расчетных обслуживаний банков сельскохозяйственным предприятиям

Практическая значимость: отдельные продолжения и рекомендации данного исследования могут быть применены в совершенствовании систему кредитования сельскохозяйственным предприятиям.

Уровень внедрения и экономическая эффективность: конкретные продолжения и рекомендации, разработанные в результате исследования, успешно применены в деятельности коммерческих банков в области совершенствования систему оказания банковских услуг сельскохозяйственным предприятиям.

Сфера применения: банковская система.

RESUME

Of the dissertation of Shadmanov Sh. on a theme "The basic directions of activization of banks in deepening agrarian reforms in Uzbekistan" on research of a scientific degree of economic sciences candidate on a speciality 08.00.07 - "Finance, money and credit".

Key words: factoring, selective crediting, documentary letter of credit, right of recourse, financial leverage, discount rate, agrarian infrastructure, documentary collection, obligatory reserve requirement, target tranche.

Object of research: The central bank and large commercial banks of Republic of Uzbekistan

The purpose of work: to open the essence of basic problems related with activization of banks in deepening agrarian reforms and to develop practical suggestions and recommendations in solving these problems.

Method of research: systematic approach, structural and comparative analysis, method of a statistical grouping etc.

Obtained results and their novelty:

- objective necessity of deepening agrarian reforms, interrelation of commercial banks with this process, increase of bank activization are proved;
- The basic tendencies in the field of activization of banks in process of deepening the agrarian reforms are determined;
- particular suggestion on development of the prevelaged crediting mechanism of farms is developed;
- particular measures to develop payment system of banks of the agricultural enterprises are developed and are proved.

The practical importance: some offers and recommendations of the research can be applied for developing the system of crediting of the agricultural enterprises.

Level of implementation and economic efficiency: particular offers and recommendations developed as a result of research are successfully applied in activity of commercial banks in developing the system of bank services to the agricultural enterprises.

Sphere of application: banks system.

Тадқиқотчи: